



**Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий
маркази**

**Академик Махмуд Мирзаев номли боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти
Фарғона илмий-тажриба станцияси**



**БОҒБОН ВА СОҲИБКОРЛАР УЧУН
ТАҚВИМ**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ
МАРКАЗИ

АКАДЕМИК М. МИРЗАЕВ НОМИДАГИ
БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ
ФАРҒОНА ИЛМИЙ ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ

Тузувчилар:

А. Маҳмудов, А. Машрапов, И.Норматов, Х.Алиев

Ушбу тавсияномада бутун мавсув давомида мева ва узум боғларида амалга ошириладиган агротехник тадбирлар ёритилиб, боғ ва узумзорларда юқори ва сифатли ҳосил олиш бўйича муҳим тавсиялар берилган.

Тавсиянома мутахассислар, боғбон-соҳибкорлар ва томорқа эгалари учун мўлжалланган.

Кириш.

Сўнги йилларда мева-сабзавотчилик соҳасида ҳам кенг кўламли ислохотлар ўтказилиб салмоқли натижаларга эришилмоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги **“Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** ги № ПФ-5388-сон фармони, 2019 йил 11 декабрдаги **“Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** ги № ПҚ-4549-сон қарори, ҳамда 2019 йил 14 мартдаги **“Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”** ги ПҚ-4239-сон қарори асосида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий қилиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан мева-сабзавотчиликни интенсив ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун экин майдонларни сезилари равишда кенгайтирилди, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича қувватлар ишга тушурилди, молиявий ресурслар, жумладан, халқаро молия институтлари маблағлари фаол равишда жалб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги **“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”** ги ПФ-5853-сон Фармонини ижросини таъминлаш мақсадида, мева-сабзавот ва узумчилик соҳасида юқори кўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, пахта, ғалладан қисқартирилётган майдонларга экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, боғ, токзор ва иссиқхоналар имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ишлари изчил амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан узумдан 7 баробар, гилосдан 6 баробар, ёнғоқдан 5 баробар кўп даромад олиш имконияти мавжуд.

Шу билан бирга, ҳорижий мева-сабзавот маҳсулотлари бозорларидаги юқори даражадаги рақобат агротехниканинг ҳамда ишлаб чиқариш ва маҳсулот етказиб бериш жараёнларини бошқаришнинг замонавий услубларини жадал равишда жорий этишни талаб қилмоқда.

Фарғона вилоятида фермер хўжаликлари тассаруфида бўлган жами **46 322** гектар майдонда мевали боғлар мавжуд бўлиб, шундан **38 215** гектари ҳосилли, **8 107** гектари ёш ҳосилсиз боғлардан иборат. Мавжуд боғларнинг **3 402** гектари (2%) интенсив боғлардир.

Мавжуд боғларнинг 19 108 гектари (41%) ўрик, 7 920 гектари(17%) шафтоли, 6 816 гектари (14.7%) олма, 4 732 гектари (10.2%) гилос, 1 819 гектари (4%) олхўри, 2 795 гектари (6%) анор, 804 гектари (1.73%) хурмо, 470 гектари (1.01%) ёнғоқ, 547 гектари (1.2%) бодом, 149 гектари (0.3%) лимон, 59 гектари (0.1%) анжир, 328 гектари (0.7%) олча, 327 гектари (0.7%) нок, 228 гектари (0.5%) беҳи ва 220 гектари (0.5%) хар ҳил турдаги мевали боғларни ташкил этади.

Вилоятда жами **4 023** гектар майдонда тоқзорлар мавжуд бўлиб, шундан **2 375** гектари ҳосилли, **1 648** гектари ёш ҳосилсиз тоқзорлардан иборат. Узумзорларни **3 673** гектари (91 %) хўраки, **350** гектари (9 %) саноатбоп турдаги тоқзорларни ташкил қилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда фермер ва деҳқон хўжаликлари амалда фойдаланишлари учун илмий тадқиқотларга асосланган барча агротехник тадбирларни боғ ва тоқзорларда тўлиқ қўллаган ҳолда, самарали ташкил қилиш мақсадида бир йиллик календар иш режаси тақвим ишлаб чиқилди.

Боғбон ва сохибкорлар учун тақвим.

Тақвимда боғ ва узумзорларда йил давомида ўтказиладиган асосий агротехник тадбирлар белгиланган бўлиб, улар ўз муддатида амалга оширилса мўл-ҳосил замини яратилади.

Январ

Боғларда:

Дарахтларга ёққан қорларни силкиш (ёққан қор шохларни синдирмаслиги учун).



1-Расм

-Ҳаво ҳарорати $+5\text{ C}^0$ дан юқори бўлганда уруғли мева дарахтлар олма, нок, ва беҳиларнинг синган шох-шаббаларидан, дарахт пўстлоқларидаги зракунанда тухумларидан тозалаш ишларини олиб бориш.

-Ҳаво ҳарорати $+5\text{ C}^0$ дан юқори бўлганда қуриган дарахтларни кўчириш.

-Гўнг, минерал ўғит ва захарли дориларни сотиб олиш ва ташиб келтириш.

-Дарахтларни ахволини текшириш ва уларни ҳисобга олиш.

-Боғда ишлайдиган мутахассисларни ўқитиш, асбоб ускуналарни тайёрлаш.

-Суғориш шохобчаларни тозалаш ва кўприкларни тузатиш.

-Қишлоқ хўжаликт машиналарини, агрегатларини, транспорт воситаларини тайёрлаш ва таъмирлаш.



2-расм

Феврал

Боғларда:

Хаво ҳарорати 5 С дан юқори бўлганда шакл бериш.

Мева дарахтларидан ҳар йили муттасил юқори ҳосил олишга қаратилган агротехник тадбирлар комплексида дарахтларни тўғри шакл бериш муҳум аҳамиятга эга. Бу тадбир дарахтларни ўсишга, ҳосилга кириш муддатига, ҳосил миқдорига ва мева сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Шакл бериш ишлари дарахтлар уйкудалигида ҳазонрезги охиридан то вегетация бошлангунча куртак ёзгунга қадар ўтказилади. Об – хаво -5С-10С ҳароратда шакл бериш ишлари тўхтатилади. Совуққа чидамсиз бўлган тур ва навлар, олмадан Ренет Симиренко, данаклилар ўрик, гилос, шафтоли, олхўри, хурмо каби дарахтларни баҳор яқинлашган даврида февралнинг иккинчи ярмида, март ойларида буташ ва шакл бериш яхши натижа беради.

Мева дарахтларнинг ҳар йили буташдан асосий мақсад қуйидагилардан иборат:

1. Дарахтда шохларни бир текис жойлаштириш, шох-шабба учун мустақил склет шакллантириш.

2. Дарахтларни эрта ҳосилга киритиш учун шароит яратиш.

3. Шох-шаббанинг барча қисмини биртекис яхши ёритилишини таъминлаш.

4. Дарахтлар ҳаётининг бутун даврларида уларнинг ўсиши ва ҳосил бериши ўртасидаги физиологик мувозанатини бошқариб туради.

5. Дарахтларни ҳосилдорлиги ва жойлаштириш схемасига мувофиқ ҳолда уларни шох-шаббаси ўлчамини чеклаб туриш.

6. Дарахтларни ёшини инобатга олган ҳолда уларнинг ҳар бир тур ва навларидан юқори сифатли мўл ҳосил олишга эришиш.

Кўпчилик боғбонлар олма, нок, беҳи, ўрик, гилос ва олхўрига дарахтларни кўпчилик навларига шакл беришнинг олдиндан қабул қилинган Сийрак-ярусли схемада шакл берадилар. Сийрак-ярусли система бўйича тўлиқ шакллантирилган мева дарахти биринчи тартибда беш-олти склет новдадан иборат бўлади. Биринчи тартибдаги новдаларни шакллантириш билан бирга, иккинчи ва учинчи тартибдаги новдаларни шакллантирилади. Иккинчи тартибдаги биринчи шох биринчи тартибдаги шохдан яратилиб, унинг асосидан 30-40см оралатиб шакллантирилади. Учинчи тартиб шохлари ҳам шу тартибда шакллантирилади. Иккинчи ва учинчи тартибининг склет шохлари ён томондан ўсган бўлиши керак.

Пастки оналик шохларида иккинчи тартибнинг икки-уч, қолганларида бир-икки новда қолдирилади. Иккинчи тартиб шохларида учинчи тартибининг бир икки новдаси қолдирилади. Кучли ўсган ён шохлари кесиб, ярим скелет шохларга айлантирилади.

Скелет ва ярим скелет шохлар ўртасида ўсган ён куртаклар кесиб ёки эгиб ҳосил шохларга айлантирилади.

Шох-шаббага шакл беришда ўтказувчи билан шох-шабба ўртасидаги боғлиқликни сақлаб қолишга аҳамият бериш зарур, яъний марказий шох дойим биринчи тартибдаги шохлардан 20-25см узоқроқ бўлиши, биринчи тартиб шохлар ҳам, ўз навбатида иккинчи тартиблардан шунчага узоқроқ бўлиши керак. Асосий шох ёнида ўсувчи рақиб шохлар кесиб ташланади. Агар рақиб шох асосий шохдан кучлироқ ва яхшироқ йўналган бўлса, рақиб шох қолдирилиб асосий шох кесиб ташланадиёки эгиб қўйилади.

Шох-шаббаси ёйиқ навлар Ренет Симиренко, Бойкен ва бошқа навларни биринчи тартибдаги шохларини иккинчи тартиб юқорига қараб йўналган шохлар устига ўтказилади. Шох-шаббанинг асосий шохларига шакл берилгандан сўнг марказга ўтказувчи тана 45⁰ бурчак остида якка ўсган ён шох баландлигида кесилади. Натижада дарахтнинг бўйи пастлашади ва шох-шаббанички қисмини яхшироқ ёритилиши учун шароит яратилади. Шу

мақсадда биринчи тартибда тик ўсган шохлар иккинчи тартибнинг ташқи ён шохлари устига ўтказилади.

Мева дарахтлар шох-шаббасини дастлаб беш-етти йил давомида шакллантириш лозим. Уларни дарахтларини тур ва нав хусусиятларини инобатга олган ҳолда шакл бериш керак.

Олма: ҳосилга кира бошлаган дарахтларни 6-15 ёшгача шох-шаббаси сийраклаштирилади бир бирига халақит берган ва шох-шаббани қоронғилаштирилган барча новдалар олиб ташланади, суст новда чиқарадиган, асосан халқасимон-кальчетка ва мураккаб халқасимон шохларда мева тугадиган навларда Пармен Зимний Золотой, Нафис, Первенец Самарканда, Делишес, Қандилкаби навларни барча тартиб скелет шорхларидан ўсиб чиққан бир йиллик новдалари қисқартириб ташланади(3-расм).



3-Расм

Кучли шохланадиган навлар Ренет Симиренко, Бойкен, Бельий налив, Оқ олма, Зимнее Шредера, Золотое Грайма каби навларда фақат узун 60см дан кўпроқ ўсган шохлар қисқартирилади. Шохлар нормал ўсганда (40-45 см) улар қисқартирилмайди. Шохларнинг йиллик ўсиши 12-15см гача камайтирилганда уларнинг бўйини 35-40 см атрофида сақлаб туриш мақсадида бу шохлар қисқартирилади. Ён томондан ўсиб чиққан шохларини эгиб ёки

қисқартириб, улардан мева шохлар хосил қилинади. Дарахт тўлиқ мевага кирган даврда навларга қараб 8-15 ёшгача ўтказиладиган буташлар уларнинг ўсиши ва хосилдорлигини сақлаб қолишга қаратилади. Бу вақтда дарахтлар ёш давридагига нисбан камроқ буталади, фақат майда, шох-шаббани, қоронғилаштурувчи шохлар ва бачки шохлар олиб ташланади, алохида ўсган ва янги ташкил топган узун шохлар қисқартирилиб, мева шохларга айлантирилади. Анча катта шохлар бир-бирига ўзаро боғлиқ холда кесилади.

Агар скелет шохлар учининг ўсиши хосилнинг хаддан ташқарикўплиги ёки агротехниканинг ёмонлигитуфайли 15-20 см гача қисқаради, ўсишнинг кучайтириш мақсадида 2-3 йиллик ёғочликнинг шохлари кесилади ва чиканка қилинади, яъни кейинги йилларда ўсиб чиққан заиф шохлар олиб ташланади. Бундай чиканка мева берадиган дарахтлардашохларнинг нормал ўсиш учун вақти-вақти билан ўтказилиб турилади. Бу даврда ён шохлар, шунингдек ерга осилиб тушган касал ва синган шохлар кесиб ташланади.

Скелет шохлар учининг ўсуви зайифлашганда 10-15см бўлиб қолса, ён томонга ўсган шохлар узунлигига, тахминан беш-олти йиллик ёғочгача яхши ўсиш учун қисқартирилади. Мураккаб ҳалқасимон шохлар ва мева шохлар, уларнинг холатига кўра, учдан бир қисми ёки яримига қисқартирилади.

Хосил жуда мўл бўлган йилларда буташ йўли билан илгари шакллантирилган гул куртаклари сонини камайтириш керак ва келгуси йил мўл хосил олиш мақсадида агротехник тадбирларни яхши ўтказиб янгиларни шакллантириш зарур.

Кам хосил йилларда камроқ буташ йўли билан илгари шакллантирилган гул куртакларни сақлаб қолиш керак, кузда эса аксинча кучли буташ ёки бахорда сийраклаштириш йўли билан келгуси йил хосили учун шакллантирилган гул куртаклар сонини қисқартириш зарур.

Нок-хам олма сингари буталади. Кам шохланадиган, бироқ бир йиллик новдалар кучли ўсган ва ҳалқасимон шохлари кўп бўлган новдаларда асосий шохлардаги новдалар, уларни қисқа узунлигига қараб , ярмига ёки учдан бир қисмига қисқартирилади.кучли шохланадиган новдаларда ва мева берадиган дарахтларда асосан шох-шабба буталиб сийраклаштирилади.

Агар ҳосилни хаддан ташқари мўл бўлиши ёки бошқа сабабларга кўра дарахтларнинг ўсиши сусайса, ўтган йиллардаги кучли ўсган шохларгача қисқартирилади икки –уч йиллик ёғочликгача.

Беҳи олма каби сийраклаштирилади ярусли системада шаклантирилади. Асосий шохларни шаклантиришда уларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқлигига риоя қилиш зарур. Асосий шохларнинг рақиблари, шох-шабба ичига кириб қолган, ўткир бурчаг остида ва асосий шохни шаклантириш учун зарур бўлган шохлар олиб ташланади, асосий шохдаги бошқа новдалар қолдирилиб, улар ўсувчи шохларга айланттирилади. Бунинг учун улар дастлабки уч йил мобайнида 3-4 куртакгача қисқартирилади, яъни дарахтлар мева тугишга тайёрланади. тўртинчи йилдан бошлаб, дарахтлар мева қила бошлагандан кейин ўсувчи шохлардаги новдалар, дарахтларнинг биологик хусусиятларига кўра, турлича кесилади (4-расм).



4-расм.

Беҳининг барча навлари мураккаб халқасимон шохларда мева тугади кучли новдаларда ўсган муракаб халқасимон куртакларнинг бир қисми мева куртакларга айланади. Улар фақат юқорида ўсган кучли новдаларда ҳосил бўлади. Агар ўсув шохларидаги куртаклар қисқа қилиб кесилса, бу ҳолда мева куртаклари зонаси кесилади.

Шу сабабли тўртинчи йилиёқ шох-шаббани ўсув шохларидаги новдаларни бир қисми қисқартирилмайди, бир қисми эса уч-тўрт куртакга кесилади ҳосил кўпайиб кетиб, оғирлик қилмаслиг ва мева

бериш даврини бузмаслик мақсадида шундай қилинади. Бу ҳолда кўп қисқартирилган новдаларда келгуси йил ҳосил берадиган соғлом ён новдалар ўсиб чиқади, қисқартирилмаган новдалар эса шу йили ҳосил беради. Келгуси йил шох-шаббани бўш қисми томонига қараб ўсган шохчалар буталмайди, улар кейинчалик ҳам ҳосил беради, бир-бирига халақит берадиган шохчалар мураккаб халқасимон шохнинг бири устида қисқартирилади.

Дарахтлар тўла ҳосилга кирганда шохларининг ўсиши кескин сусаяди ва мева тугиши мураккаб халқасимон типли қисқа шохчаларга ўтади. Ҳосилнингхаддан ташқари кўпайиб кетишига ва шох-шаббанинг қалинлашиб кетишига йўл қўймастлик учун ортиқча ўсиб кетган шохлар бутаб ташланади. Шохлар суст ўса бошлаганда охириги шохлар 25см дан қисқароқ бўлганда дарахтлар ёшартириш мақсадида уларуч-тўрт йилда бир мартда икки-уч йиллик ёғочликгача, кейинчалик эса беш-олти йиллик ёғочликгача буталади.

Ўрик –бу дарахт айниқса дастлабки йилларда катта ўсиш кучига эга. 6-7 ёшгача бўйига ўсган шохлар ҳосил бўлади, чунки бу даврда уларда ён шохчалар суст ўсади. Бундай шохларни уларда ён шохчалар яхшироқ ўсиб чиқиши учунудан бир қисмига ёки ярмига қисқартириш зарур марказий шохларнинг учини ёзда чилпиш май-июн ойларида пинцеровка қилиш усули ҳам қўлланилади. Кейинги буташлар навбатдаги тартибда ўсган ортиқча шохларни олиб ташлаш ва шохларни бир оз қисқартиришдан иборат бўлади. 20-25 ёшли ўрик дарахтларида ўсиш жараёни шунчалик қисқарадики, бу ҳосилга салбий таъсир кўрсатади. Бу даврда дархтлар икки тўрт йиллик ёғочликгача бутаб ташланади. Қариб қолган ёки ўсувчи сусайган дарахтларни беш-етти йиллик ёғочликгача бутаб ёшартирилади(5-расм).



5-расм

Шағал қатлами юза жойлашган ерларда ўрикни 12 ёшдаёқ бир оз ёшартириш керак, 17-20 ёшда эса қоронғулатувчи асосий шохлар ва қалин ўсган новдаларни олдиб ташлаб, 5-6 йиллик ёғочликкача буташ зарур. 30-35 ёшли дарахтлар 7-8 йиллик ёғочликкача кесиб ёшартирилади. Кучли ва унумдор тупроқлардаги ўрик дарахтлар ҳам шу муддатда ёшартирилади. Шох-шаббани бутагандан сўнг ўсиб чиққан шохлар келгуси йил бахорида сийраклаштирилади, бунда фақат шох-шаббага шакл бериш учун зарур бўлган шохлар қолдирилади.

Олхўри (Слива)- олхўрининг кўпчилик навларида мева тугиш органилари қисқа ва шохчалари пихсимон шохчалардан иборат бўлиб, улар икки ва кўп йиллик ёғочликларда жойлашган бўлади. Баъзи бир навларда мева бир йиллик шохчаларда ҳосил бўлиши кузатилади. Ёш олхўри дарахтининг шох шаббасига шакл беришда шохлар сийраклаштирилади ва қисқартирилади, шохларнинг пастки қисми ялонғочланиб қолмаслиги зарур. Шох-шаббаси тик ўсган, кучли шохланадиган навларда биринчи тартибдаги асосий шохлар қисқартирилиб, икки тартибдаги ён шохлар баландлигида кесилади. Бу шох-шаббанинг ёйилиб ўсишига имкон беради. Шох-шаббаси ёйиқ дарахтлар, агар шохлар кам ўса, қисқартирилади.. Шохлар фақат уларнинг ўсишини тартибга солиб туриш учун қисқартирилади. Олхўрининг бўйига ўсишини, бошқа мевали дарахтлардаги каби чеклаш зарур, бунинг учун марказий тана ён

томондаги скелет шох баландлигида кесилади. Дарахтлар мева бера бошлагандан кейин шохлар фақат шох-шаббага ёруғлик яхшироқ бўлиши учун бутаб турилади.

Ҳамма холларда ҳам биринчи навбатда касал, қуриб қолган ва бир-бирига тегиб ишқаланадиган шохлар олиб ташланади. Узун 50-60 см ўсган ва осилиб қолган шохлар қисқартирилади. Шохларнинг ўсуви 15-20 см гача камайганида ёшартириш мақсадида асосий шохлар 2-3 йиллик ёғочликгача қисқартирилади. Ўсув жуда кам камайиб кетганда дарахтлар янада кўпроқ буталади.

Гилос- кучли ўсиши ва оз шохланиши билан фарқ қилади, айниқса Наполеон Розивий, Рамон Олива, Воловые сердце, Ревершон, Дрогана жолтая навларида кучли ўсган шохларнинг пастки қисмида куртаклар кам ривожланади. Куртаклар уйғонишини ва асосий шохларда ёш шохчаларни ўсиб чиқишини кучайтириш мақсадида асосий шохлар қисқартирилади. Бундай буташ усули дарахтлар ёш чоғида ва ҳосилга кира бошлаганда шох-шаббага шакл бериш учун қўлланилади.

Ёш дарахтлардаги узунлиги 40-45 см ли новдаларини чилпиш ҳам яхши натижа беради, ёки узун новдаларни эгиб ярус ҳосил қилинса ундан куртаклар чиқа бошлайди. Шохларни қисқартириш ва чилпиш шох-шаббани ихчам қилади, шохларда ўсув новдаларини кўпайиши ва даста шохлар ўсишига ёрдам беради.

Яхши шохланадиган Апрелька ва Бахор навларида фақат узун (50 см узун) новдалар қисқартирилади. Гилос шох-шаббасини шакллантиришда дарахтларнинг бўйига ва ён томонга ўсиши қаътий чекланади. Агар гилос шохлари яхши ўсмаса, шохлар 2-3 йиллик ёғочликларигача қисқартирилади. Дарахт қарий бошлаганда шох-шаббасини кўпроқ буташ йўли билан ёшартирилади.

Олча (Вишня)- бошқа турдаги дарахтларга нисбатан кам буталади. Фақат жуда зарур бўлганда қалинлашиб кетган шох-шаббалар, синган қуриган ва қарий бошлаган шохлар олиб ташланади. Олча қариб ўсув сусайган 10 см гача ёки ҳосили камайиб кетган даврда дарахт холатига қараб 3-5 йиллик ёғочликгача кесиб ёшартирилади.

Шафтоли- уч бешта шохдан шох-шабба ҳосил қилиб ва экилган йили тана учини кесиб, косасимон қилиб шакллантирилади(6-расм).



6-расм.

Биринчи шох 35-40 см ли баландликда, қолганлари бир-биридан 15-20 см бўлиши керак. Тўртинчи йили ўтказгич лидер кесиб ташланади. Шафтоли дастлабки йилларда тез ўсади, кўп шох чиқаради ва тезда мева бера бошлайди. Мевалар бир йиллик шохларда ҳосил бўлади. Шафтоли буталмаса шох шаббаси қалинлашиб, ички қисмидаги шохларининг барги тўкилиб кетади, мевалар фақат ташқи шохларда ҳосил бўлади. Дастлабки бир икки йил давомида бир йиллик новдалар қисқартириб турилади ва шох шабба сийраклаштирилади. Асосий шохларнинг учидан ўсиб чиққан, узунлиги 50-60 см ва ундан узун новдалар учдан бир қисмига ёки ярмига, калтароқлари эса чорак қисмига қисқартирилади. Ҳосилга киргандан сўнг шох шаббаси сийраклаштирилиб турилади, синган, қуриган ва соялатувчи шохлар ҳамда заиф новдалар олиб ташланади, бу ишни жуда пухта бажариш талаб этилади. Бу вақтда кучли ўсган шохлардан ён шохчалар ҳосил қилиш учун улар қисқартирилади. Асосий шохлардаги мева шохчалари, заиф ва шох-шаббани қоронғулаштирувчи шохлар халқасимон қилиб кесилади. Бунда кучли ўсган шохлар бир-биридан 10-15 см ораликда қолдирилади. Буташ вақтида мева куртаклари ҳосил бўладиган жойларни назарда тутиш керак. Мева куртаклари шохнинг пастки қисмида ҳосил бўладиган навларда унинг асосига яқин ўсган шохлар кўпроқ кесилади, куртаклар шох ичида ҳосил бўладиганларида кесилади. Шохларнинг узун ўсиб кетиши ва осилиб тушишига йўл қўймаслик мақсадида уларнинг бир-бирини ўрнини босиш усулида кесилади, яъни бериб бўлган шохлар пастроқда жойлашган, мева куртаклари

етарлича миқдорда бўлган шохлар баландлигигача кесилади, мева берадиган шохлар эса уларда 3-4 та кўзча қолдириб қисқа кесилади. Шафтоли қариганда ёки совуқ урганда буташ ёшартирилади. Бунда 2-3 йиллик новдага кучлироқ совуқ урганда ёки қариб қолганда катта ёшдаги ёғочликгача кесилади.

Токзорларда.

- Симбағаз ва ишқомларни қилиш ёки эскиларни тузатиш.

Умумий қилинадиган ишлар.

-Суғориш иншоатларини ва ариқларни тозалаш ишларини яқунлаш.

-Минерал ўғитлар ва захарли кимёвий воситаларни олиб келишни яқунлаш.

-Қишлоқ хўжалик техника ва механизмларини таъмирлаш ишларини яқунлаш.

Март.

-Боғларда буташ ва шакл бериш ишларини яқунлаш.

-Дарахтларни бутаб шакл берилгандан кейин ҳаво ҳарорати 5 С дан юқори бўлганда дарахтлар куртак ёзишдан олдин касалликларга қарши оҳак-олтингугурт қайнатмаси 5 С⁰ градусли, темир купороси 53 фоизли кукин 2-3 %ли, 3% ли Бордо суюқлиги (100л сувга 3 кг мис купороси ва 3 кг сўндирилган оҳак) сепиш (7-расм).



7-расм. (боғларга кимёвий ишлов бериш жараёни)

Тайёрланган бордо суюқлиги 2-3 соат ичида ишлатилиши шарт.

Уруғ (олма, нок, беҳи) мевали касалликлари;

Калмараз (парша) касаллиги. Калмараз (қўтир, парша) касаллиги Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тарқалган.

Касаллик белгилари. Касаллик дарахтнинг барг, гулкосабарглари ва меваларининг, барг ва мева бандларини, камроқ ҳолларда новда ва куртак тангачаларини (қобикларини) зарарлайди. Баргларнинг пастки томонида жигарранг, кулранг ёки зайтун-яшил тусли доғлар ривожланади. Битта барг устида битта-иккитадан бир неча юзгача доғ пайдо бўлиши мумкин. Усти доғлар тўла қопланган доғлар билан тўла қопланган барглар буралиб, хуник шакл олади ва тўкилади. Ёш меваларда барглардагига ўхшаш доғлар пайдо бўлади, сўнгра улар қўнғир тус олади, пробкалашади, усти чатнайди, меванинг шакли бузилади, ёз охири куз бошларида зарарланган меваларда ташқи белгилар ривожланмайди ёки жуда кичик, тўқ қўнғир доғлар пайдо бўлади. Натижада мева хосилининг 50-60% гача ёки кўпроғи йўқотилишига олиб келади.

Ун-шудринг касаллиги.

Олмани ун-шудринг касаллиги Ўзбекистоннинг барча вилоятларида учрайди.

Касаллик белгилари - ун-шудринг дарахтларнинг барг, гулкосабарглари ва меваларининг, барг ва мева бандларини новда ва куртакларини зарарлайди. Олдин баргларнинг остки томонида ёки оч кулранг, унсимон ғубор пайдо бўлади. Кейинчалик баргларнинг устки томонида, ғубор пайдо бўлган жойларининг қаршисида оқиш доғлар ривожланади. Вақт ўзтиши билан ғубор баргнинг хар икки тарафига тарқалади ва баргларни бутунлай қоплаб олиши мумкин. Барглар буралиб, қайиқсимон, усти ғадур-будур шакл олади, кичик бўлиб қолади катталиги соғлом баргларнинг учдан бир қисмига тенг бўлиши мумкин. Улар ерга тушиб кетади: август ойининг ўрталарида дарахтдаги баргларнинг ярми тўкилишига олиб келади.

Монилиоз касаллиги.

Олмани монилиоз (куйиш) касаллиги Ўзбекистонни барча вилоятларида учрайди.

Касаллик белгилари-барглари, гуллари, мевалари ва новдалари зарарланади, касалликнинг энг зарарли шакли мева чиришидир. Баргларда олдин кичик, нуқтасимон қизғиш доғлар пайдо бўлади. Улар ўсиб сарғиш ёки тўқ-қўнғир, қора тусли доғларга айланади, барг қўнғир тус олади (8-расм).



8-расм.

Нам кўпроқ сақланади ва замбруғнинг авж олиб ривожланишига қулай шароит туғдиради. Натижада беҳи гулдан чиқиши билан мева тугунчалари ва ўсаётган новдалари бирдан қуриб қолади. Манзара худуди қуриб қолгандай ёки совуқ ургандай бўлади шунинг учун бу касаллик “монилиал” куйиш деб ҳам аталади. Зарарланиши баҳорда замбруғ споралари гулнинг оналик гулчангдонига тушгач бўртиб гул ичига ўса бошлайди. Замбруғ мицелийлари гулбанддан мева шохларининг тўқималарига ўтади ва тезда уни қуритади. Қуриб қолган гул мева тугунчалари, новдаларига барглар узок вақт тўқилмай осилиб туради ва кейинчалик ҳам касаллик юқуш манбаи бўлиб қолади.

Келгуси йили мавсум бошланиши билан жуда кўп споралар ҳосил қилиб замбруғнинг кенг тарқалишига сабаб бўлади.

Қора рак касаллиги.

Қора рак касаллиги Ўзбекистонни барча вилоятларида учрайди.



10-расм. (шафтолининг барг бужмалоги касаллиги)

Новдалар яланғоч бўлиб қолади ва шафтолига катта зарар етказди: дарахтлар зарарланган йили барглар ва мевалар қуриydi ва тўкилади, бир йиллик новдалар нобуд бўлади, кейинги йили дарахтлар тугунчаларини тўкади ва ҳосил бермайди. Суринкасига бир неча йил давомида кучли зарарланган дарахтлар нобуд бўлиши мумкин..

Ун-шудринг касаллиги. Ўзбекистонда барча вилоятларда тарқалган, айниқса ёш ниҳоллар кучли зарарланади.

Касаллик белгиси. Оқ ғубор пайдо бўлади. Зарарланган барглар ва новдалар хунук, қинғир-қийшиқ шакл олади, ўсишдан орқада қолади, барглар қуриydi, новдалар учидан пастка қараб қуриydi, ниҳоллар ўсишдан тўхтаydi. Мевалар камроқ зарарланади, усти чатнайди ва чириydi. Катта дарахтларнинг зарарланган ёш новдалари совуққа чидамсиз бўлиб қолади, қишда уларни совуқ уради, ҳосил 5-7 ц/га камаяди.

Клястероспориоз касаллиги. Касаллик дарахтларни тез нобуд қилмайди, унинг зарари ҳосил миқдори ва сифатини пасайтириш, янги новдалар ва шохлар ривожланишини камайтириш, дарахтни жуда заифлаштириш билан ифодаланади.

Касаллик билан дарахтларнинг барг, новда, куртак, гул ва мевалари зарарланади. Уларда оч-жигарранг тусли, атрофида қизғиш-бинафша, қизғиш-қўнғир ёки тўқ-қизил хошияли доғлар пайдо бўлади. Доғлар олдин кичик нуқта кейин ўсиб кенглиги 2-5 ммга етади, улардан елим оқиб чиқади. Доғлар билан қопланган тўқима 2-3 hafta ичида қуриб қолади ва тушиб кетади, барглар илматешик бўлиб қолади. Зарарланган баргларнинг кўпчилиги тўкилиб

кетади, натижада кишловчи куртаклар уйғонади, дарахтлар совуққа чидамсиз бўлиб қолади ва келгуси йил хосил камаяди.

- Боғларга маҳалий ўғит гўнг 20-25 т/га ва фекал солиш.


- Катта боғларнинг олаларини катта ёшдаги кўчатлар билан тўлдириш.

-Боғ қатор ораларини хайдаш, суғориш эгатларини олиш, дарахт тагларини чопиш ва ўтлардан тозалаш.

-Бахорги қайта совуқлардан мевали дарахтларни асраш мақсадида боғнинг хар-бир гектар майдонига тутатиш учун гўнг, хашак ва гофон йиғиб қўйиш 150-200 туп ҳисобида.

-Катта ёшдаги дарахтларни ёшартириш, бошқа турдаги ёки навдаги кўчатларни улаш-искана пайванд қилиш.

-Боғларни гуллаш даврида яхши чанглаши учун асалари уяларини боғларга ўрнатиш (11-расм).



11-расм.

-Ўрик дарахтларини гуллашига қараб ҳосилдорликни аниқлаш.

Ёш боғларда.

-Янги боғ экиш учун ер тайёрлаш, режалаш ва кўчат экиш учун чуқур қавлаш (12-расм).

-Экиладиган кўчатларни олиб келиб вақтинчалик жойга кўмиб қўйиш.

-Олиб келинган кўчатларни экиш учун тайёрлаш ва экиш.

-Боғ атрофига шамол тўсгич учун терак, жийда ёки акация экиш.



12-расм. (боғларга квадрат усулда режа тортиш)

-Кузда экилган боғларни назоратдан ўтказиш, хатоларни тўлдириш.

-Экилган кўчатларга шакл бериш.

Узумзорда.

-Март ойининг иккинчи ярмида ток кўчатларини очиш, симбағазларга бойлаш.

-Пархама қилиб олаларини тўлдириш.

-Маҳаллий 20-25 т\га чириган гўнг ва соф ҳолда азот 60 кг/га, калий 30 кг/га ўғитларини солиш.

-Қатор ораларини хайдаш, узум тагларини юмшатиш, чопиш, бегона ўтлардан тозалаш.

-Узумзорларни суғориш.



13-расм.

Апрел.

-Дарахтлар гулдан чикқач касалликларга қарши 1% ли 100 л сувга 1 кг мис купороси ва 1 кг сўнмаган охак бордо суюқлиги билан такрор 1-2 маротаба ишлов берилади. Чукур таъсир этувчи фунгицидлар яхши самара беради. Шунинг учун: Импакт (0.1-0.15 л/га), Титул(0.15-0.3 л/га), Байлетон (0.15-0.3 кг/га), Фоликур (0.15л/га), Альто супер (0.3 л/га) тавсия этилади.

Агар касаллик яна кўпайиб кетса, қарши кураш ишлари яна 10-12 кундан кейин такрорланади.

-Боғларда олма қурти, қандала, кана, шира, ўргимчаккана, куялар, бузоқ боши, кўнғизларга (14-расм) қаршикимёвий ишлов бериш: Ламдок (0.4-0.8 л/га), Барлей (0.25 л/га), Суперметрин (0.8 л/га) каби перепаратлар сепилади.



14-расм. (олма қурти капалаги)

Боғларда боғ қатор ораларига ишлов бериш, дарахт тагларини юмшатиш ва чопиш, бегона ўт ва ажриқлардан тозалаш, суғориш учун эгатлар олиш.

-Шафтоли меваларини тоқалаш

Ўзбекистонда етиштириладиган мевалар ширин маззали бироқ, уларни шакли ва кўриниши жозибали эмас, шунинг учун улар бир қарашда таъсурот ҳосил қилмайди. Шу жиҳатдан меваларни экспорт қилишда анча ортда қолмоқдамиз, шунинг учун ҳам республикамиз боғларда қилинаётган агротехник тадбирлар ичига меваларни тоқалаш агротехникасини киритиш зарурияти туғилмоқда.

Мевалидарахтлардатоқалаштадбириўтказилганда меваларни умумий сони камайиб, сувваозикланишрежмларияхшиланади. Натижада мевалар йирик, рангдор, маззали, товарлик даражаси юқори бўлган ҳосил олинади. Шу билан бирга дарахтнинг умумий ҳолатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади (15-расм).



15-расм. *(шафтоли мевасини 1-босқич тоқалаш жараёни)*

Бирйилликновдалариниўсишиҳамдамевахосилқилувчикуртаклар инишаклланишинормалҳолдабўлганлигиучункелгусийилиҳаммўлҳо силолишимкониниберади.Тоқалаш тадбири икки босқичда яъни, биринчи босқич мевалар гуллашдан 30 кундан кейин тоқаланилади,

иккинчи босқич гуллагандан 60 кундан кейин тоқалаш амалга оширилади.

Боғларни суғориш шағалли ерларда 350 м³-450 м³, соз тупроқларда 450 м³ -500 м³.

Боғларга минерал ўғитлар солиш соф ҳолда азот 60кг/га.

- Анор ва анжир боғларини очиш, ерни хайдаш, кўчат тагини юмшатиш ишларини тугатиш.

-Анор ва анжир тупларини қуриган шохлардан тозалаш ва шакл беришни яқунлаш.

Кейинги уч –тўрт йилларда анор боғларига анор курти, комсток курти ва анор бити катта зарар келтирмоқда. Бу зараркунандаларга қарши анор гулидан олдин Нестир (0.3 гр/га), Брайт (0.3гр/га), Авамек (0.4 л/га) препаратлари пуркалади.

-Анжир парвонаси ва чилонжийда мева пашшасига қарши юқоридаги анорда қўлланилган препаратлар ишлатилади.

-Иккинчи ишлов биринчисидан 12-15 кундан кейин ўтказилади.

-Мевали боғларни гуллашига қараб ҳосилдорлигини аниқлаш (16-расм).



16-расм.

Ёш боғларда.

-Ёш боғларни экиш ишларини яқунлаш.

-Анор ва анжир кўчатларини ўтказишни яқунлаш.

- Боғ қатор ораларига ишлов бериш, кўчат тагини чопиш, суғориш.

-Боғларни ўғитлаш.

-Гилосни эртаги навларини териш (17-расм).



17-расм

Узумзорларда:

- Узум кўчатларини симбағазларга боғлашни тугатиш.
- Узумзорларга минерал ва маҳали ўғит солишни тугатиш.
- Узумзорларни суғориш
- Узумзорларни оидиум ва антракноз каби касалликларга қарши Бордо суюқлиги ёки ООҚ қайнатмаси ишлатилади. Пуркаш муддатлари биринчиси тоқларда 2-3 дона барг чиқарганда ООҚ билан, иккинчиси 10-12 кундан кейин бордо суюқли 1% ли эритмаси билан ва 12-15 кундан кейин олтингугут билан 1 гектар майдонга 25 кг ҳисобида пуркаш мумкин.

-Суғоргандан кейин тоқ қатор ораларига ва туп атрофини бегона ўтлар босишга йўл қўймайдиган қилиб ишлов берилади. Керакли агротехника тадбирларни ўтказиш лозим.

Май.

Боғларда

-Суғориш, культивация ва эгат олиш ишлари.

- Гилос меваларини териш.

- Резавор мевалар кулпнай териш(18-расм)



18-расм.

-**Ўзги кесиш.** Мевали дарахтларни тиним даврида эмас балки ёзда ҳам кесиш мумкин, дарахтларга ёзги шакл бериш орқали ёруғлик дарахтни барча қисмларга бирдек етиб боришини таъминлаш мумкин. Ёз фаслида ёруғликни дарахтга яхши етиб бориши мевали куртакларни ривожланиши учун муҳим ҳисобланади. Ўзги кесиш орқали дарахтда кераксиз бўлган ривожланишни олди олинади ва ҳажмини назоратда ушлаб туриш имконини беради. Ўзги кесиш янги новдаларни бўйи 25 – 30 см ошгандан сўнг бошланади. Дарахтга ортиқча зарар етказиб қўймаслик учун ёзги кесишда тик ва тез ўсувчи шохлар кесиш билан чекланади. Бошқача қилиб айтганда дарахтда сийраклаштириш ва новдаларни чилпиш ишлари амалга оширилади. Дарахтни қиш мавсуми зарарларига таъсирчан қилиб қўймаслик учун ёзги кесиш ишларини май ойини 20 санасидан 10 июн ойигача кесилади. Бу муддатда ўсимлик новдаси кесилгандан қишга чидамли новда бўлиб, шаклланади. Шунингдек ёзги кесишни асосий шохларнинг ташқарига қараб йўналтириш мақсадида ҳам амалга ошириш

мумкин. Бунда баҳорги кесиш вақтигача кутиб туриш шарт бўлмайди(19-расм).



19-расм. (*ёзги кесиш*)

-Уруғли боғларда биринчи тоқалаш, данакли боғларда иккинчи тоқалашни амалга ошириш (20расм).



20-расм. (*Олма мевасини тоқалаш жараёни*)

Уруғли ва данакли боғларга учунчи ва тўртинчи марта зараркунанда ва касалликларга қарши ишлов бериш (21-расм).



21-расм.

- Мева шохларига тиргагичлар келтириш ва ўрнатиш.
- Эртаги ўрик навларининг мевасини териш(22-расм).



22-расм.

Узумзорларда.

- Биринчи хомтак қилиш ва шохларни боғлаш.
- Гуллашдан олдин кейин икки мартда олтингугурт билан ишлов бериш.



23-расм.

Май-июль ойларида ёғингарчиликнинг кўп бўлиш ва ток кул оидиум касаллигининг авж олмаслиги учун ток туплари ўз вақтида ва яхши парвариш қилиш зарур Новдаларни яхши шамоллайдиган ва ёруғлик бемалол тушадиган килиб тараш керак. Новдаларни хомтак ва чилпиш ишлари камида 2-3 маротаба бажарилади. Мавсумда антаракноз ўчоқлари топилганда токзорларда 1% ли 100л сувга 1кг мис купороси ва 1кг охак бордо суюқлиги билан пуркалади ёки Пиларкур (0.15 л/га), Импакт (0.1-0.15 л/га), Топаз (0.2-0.25 л/га), Байлетон (0.15-0.3 кг/га), Фоликур (0.15л/га), Альто Супер (0.3 л/га), Курзат –R (2.5-3.0 кг/га) фунгицидлари сепилади.

Ёғингарчилик кўпайиб, намгарчилик ортиб кетса 12-15 кунда такрорланади.

- Ёш узум кўчатларини юмшатиш ва суғориш.

Умумий тадбирлар.

-Боғ қатор ораларини, ариқ бўйлари ва йўл чеккаларини бегона ўтлардан тозалаш.

Июнь

Боғларда

-Боғларда ўғитлаш, қатор орасини суғориш ва культиватция қилиш.

-Тиргаклар қўйиш ва тўкилган меваларни териб олиш.

-Касаллик ва зараркунандаларга қарши бешинчи ва олтинчи ишлов бериш

-Ўрик, шафтоли, олча ва эрта пишар олма меваларини териб олиш (24-25-расм)



24-расм.

-Мева сақлаш омборларини тайёрлаш, тозалаш , дезинфекция қилиш ва шамолатиш.



25-расм.

Ёш боғларда

- Боғ ва шамол тўсадиган дарахтларни суғориш.
- Дарахт таги ва ораларни юмшатиш.

Узумзорларда.

- Ток кўчатлари таги , қатор ораларини чопиш ва суғориш.
- Иккинчи мартда хомтак қилиш ва шохларини боғлашни тугатиш.
- Эртапишар узум навлари хосилини териб олиш.

Июль.

Боғларда -Боғ қатор ораларини чопиш ва суғориш.

-Уруғли боғларни олма қуртига қарши Ламдок(0.4-0.8 л/га), Барлей(0.25 л/га), Суперметрин(0.8 л/га) перепаратларини еттинчи ва саккизинчи ишлов бериш.

-Ўргимчаккана мевали дарахтларни асосан барг ширасини сўрувчи зараркунанда ҳисобланади. Зарарланган барг сарғаяди, хлорафил сони камаяди, фотосинтез тўхтайтиди, октябрда барг қуриб тўхтайтиди, оқибатда барг қуриб тўкилади. (26-расм)



26-расм.

Ўргимчакканага қарши Вертимак (1.0 л/га), Миторон (1.5-3.0л/га), Авамек (0.2-0.25 л/га) билан ишлов бериш.

-Уруғли меваларни кечки навлари ва шафтоли тиргаклари қўйиш ва тўкилган меваларни териб олиш.

- Ўрик, шафтоли, олхўри, олма, нок, анжир меваларини териб олиш.

- Бегона ўтларга қарши кураш.

- Резавор мевалар кулпнай экишга ер тайёрлаш.

Ёш боғларда.

- Суғориш.

- Дарахт таглари ва қатор ораларини юмшатиш.

Узумзорларда.

- Ток қатор ораларини бегона ўтлардан тозалаш, чопиш ва суғориш.
- Касалликларга қарши кураш.



27-расм.

- Узум ҳосилини йиғиштириб олиш.

Август.

Боғларда: -нок, олма, шафтоли ва олхўри ҳосилини териб олиш.

- Тўкилган меваларни териб олиш ва боғларни суғориш.
- Қатор ораларини культивация қилиш..
- Тиргакларни олиш.
- Резавор мевалар кулпнай экиш.
- Боғларни заракунандаларга қарши Альфацид (0.25-0.3 л/га), Батон (0.6 л/га), Ваулент (0.4 л/га) перепаратларини тўқизинчи ва ўнинчи ишлов бериш.



28-расм.

Ёш боғларда;

- Боғ ва химоя дарахтларни суғориш.
- Кўчат таги ва қатор ораларини юмшатиш.
- Анор ва анжир кўчатларини холати ва кўқаришини ҳисобга олиш.

- **Узумзорларда;** тоқларни суғориш
- Узумзорларни апробация қилиш ва қаламча тайёрлаш учун тоқ кўчатларини саралаб олиш.



29-расм.



30-расм.

Сентябр.

- Олма, нок, беги, анжир ва анор навларини ҳосилини териб олиш.



31-расм.



32-расм.

Ёш боғларда.

-Боғ ва шамол тўғич дарахтларни суғориш.

Узумзорларда.

- Узум ҳосилини териб олиш.




33-расм.

- Узумзорларни апробация қилиш ва қаламча тайёрлаш учун ток кўчатларини танлаб олиш.

Умумий тадбирлар.

- Боғларни зарарланиш ҳолатини аниқлаш ва зараркунандаларга қарши тадбирлар режасини тузиш.

- Анор ва анжир дарахтларини ҳаво харорати ва қуёш нуридан химоя қилиш учун қамиш тайёрлаш.



34-расм.

Октябр.

Боғларда: - олма, нок, беҳи, шафтоли, анжир ва анор меваларини кечки навларини ва тўкилган меваларини териб олиш.

- Тиргакларни йиғиштириб олиш ва боғдан олиб чиқиш.

- Боғ ва узумзорларда қатор оралари кузда маҳаллий ва минерал ўғитлари солиниб чуқур хайдалади.

- Бир тонна чириган гўнг таркибида 4-5 кг азот, 2-2.5 кг фосфор, 5-7 кг калий бўлади.

- Шунинг учун кузги шудгордан олдин бир гектар ҳосилли боғларга ерга 25-30 т чириган гўнг, тупроқ типига қараб соф ҳолда 90-150 кг фосфор, 30-60 кг калий ўғитлари солиб шудгорлаш.

-Сидератлар экишҳозирги пайтда маҳаллий ўғитларни камайиб бораётганлигини ҳисобга олиб экологик тоза ва арзон, камҳаражат билан ер унумдорлигини оширадиган кўк ўғитлар-сидератлардан фойдаланиш мумкин. Сидератлар тупроқни органик моддаларга бойитиб, тупроқ структурасини яхшилади, ҳосилдорликни оширади, сидератлар сифатида қисқа муддатда кўп яшил масса берадиган ва тупроқда кўп азот ва микроэлементларни тўплайдиган бир ва кўп йиллик дуккакли ўсимликлар экилади. Фарғона вилояти

шароитида никольсон, восток-55 нўхати, вика, вигна, шабдар, берсим, судан ўтлари, перко ва беда экинларидан фойдаланиш яхши натижа беради. Бу сидератлар қисқа муддат ичида хар гектар ерда 25-35 тўнадан кўк масса жамғаради.



35-расм.

- Сидератларни экишни октябрнинг биринчи ўн кунлигидан кеч қолмаслиги керак, 1 гектар майдонга сарф меъёри қуйидагича: никольсон ва восток -55 нўхати 120 кг/га, вика 100-120 кг/га, вигна 80-100кг/га, шабдар

20-25кг/, берсим, судан ўти 15-20кг/га, перко 20кг/га, беда 16-20кг/га.

- Анор ва анжир дарахтларини кўмиши .

Ёш боғларда.

-Кузги боғ экиш учун ер майдонини тайёрлаш, шудгорлаш, бороналаш васуғориш, кўчат экиладиган майдони режалаш, кўчатларни тайёрлаш.

-Қатор ораларини хайдаш, кўчат экиш учун чуқур тайёрлаб ўғит солиш.

Узумзорларда.

Узум хосилини териб олиш ва кесиш.



36-расм.





37-расм.

- Кўмишдан олдин охак-олтингугурт қайнатмаси ИСО нинг 5С⁰ эритмаси ёки 3% ли бордо суюқлигини сепиш.
- Узум кўчатларини суғориш ва кўмиш..

Ноябрь.

Боғларда.

- Синган ва қуриган шохларни кесиш.
- Касаллик ва зараркунандаларнинг тухум ҳамда ғумбакларда қишлайди, улардан химойаланиш мақсадида дарахтларни атрофини 20-30см чуқурликда ағдариб чопиш.
- Бегона ўтларни тозалаш ва ёқиб юбориш.
- Тозаланган дарахтларни охак сути билан оқлаш.



38-расм. (мевали дарахтларни охлаш)

-Тиргакларни йиғиштириш, фумигация қилиш ва уларни таклаб кўйиш.

-Боғларга хазонрезгидан сўнг, барглар тўлиқ тушганда, нам сақловчи чилла суви бериш. Куз асосан водий шароитида кўпроқ куруқ келади, нам сақловчи сув дарахтларни совуқдан сақлашга ёрдам беради, томир системасига ҳам фойдали.

-Дарахтларнинг қалқондорлар, қандаларга ва қишлоғчи хашоротларга қарши Имиприд (0.25 л/га), Нурелл-д (0.6 л/га), Суми-Алфа (0.4-0.6 л/га) билан ишлов бериш.

-Анор ва анжир дарахтларини қишги мавсумга кўмишни тугатиш.

-Органик ва минерал ўғитларни солиш ва суғориш..

Ёш боғларда.

-Кўчатларни экиш ва суғориш

-Кўчат таги ва қатор ораларини хайдаш ва суғориш.

Узумзорларда.

-Узум кўчатларини қирқиш охак-олтингугут қайнатмаси ИСОнинг 5 С⁰ ли эритмаси билан ишлов бериш ва қишги кўмишни яқунлаш.

-Узум кўчатларини экиш ва уларни таъмирлаш, суғориш.

-Кўчатлар экилгандан сўнг тупроқ билан кўмиш.

Умумий тадбирлар.

Декабрь.

-Хаво харорати 5 С⁰ дан юқори бўлганда уруғли мевали дарахтларига –олма, нок ва беҳининг синган шох-шаббаларидан, пўстлоқларидаги зараркунанда тухумларидан тозалаш, дарахтларни қирқиш ва уларга шакл бериш, қари дарахтларни ёшартириш, қуриган дарахтларни кўчириш каби ишларни олиб бориш.



39-расм. (мева дарахти илдиз бўғзидан чиққан новдаларни кесши)

